


### III. ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ

2021 йилнинг январь-март ойларида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизматлар)ларининг умумий ҳажми 2 166,0 млрд. сўмни ёки 2020 йилнинг шу даврига нисбатан 101,3 фоизни, шу жумладан деҳқончилик ва чорвачилик соҳаларда кўрсатилган хизматлар 2 071,0 млрд. сўмни (101,3 %), овчилик соҳаларда кўрсатилган хизматлар 0,1 млрд. сўмни (95,6 фоиз), ўрмон хўжалигида 60,0 млрд. сўмни (101,3 %), балиқчилик хўжалигида 34,9 млрд. сўмни (100,3 %) ташкил қилди. Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизматлар)лари ҳажмининг ўсиши асосан деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳада кўрсатилган хизматлар ҳажмининг сезиларли даражада ортиши билан боғлиқдир.

Хусусан юқори ўсиш суръатлари Шароф Рашидов (103,7 %), Фориш (103,5 %), Ғаллаорол (103,2 %), Бахмал (103,1 %), туманларида кузатилди. Шунингдек, ўз навбатида Жиззах шаҳар (99,8 %), Арнасой ва Дўстлик (93,0 %) туманларида паст ўсиш суръатлари кузатилди.

#### 2021 йилнинг январь-мартда ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши



Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг таркибий тузилишида энг юқори улуш деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига тўғри келади (умумий ҳажмга нисбатан 91,5 %).

**Деҳқончилик.** 2021 йилнинг январь-мартда ишлаб чиқарилган деҳқончилик маҳсулотларининг ҳажми 132,8 млрд. сўмни ёки 2020 йилнинг шу даврига нисбатан 104,5 фоизни ташкил қилди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида деҳқончилик маҳсулотларининг улуши 6,4 фоизни ташкил қилди.

**Ҳосилни йиғиб олиш.** Ҳисобот даврида барча тоифадаги хўжаликларда 984,4 тонна (101,2 %) сабзавотлар йиғиб олинди.

#### 2021 йилнинг январь-мартда хўжалик тоифалари бўйича асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш

Барча

Шу жумладан:

	тойфадаги хўжаликлар		Фермер хўжаликлари		Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари		Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	
	тонна	ўсиш суръати, фоизда	тонна	ўсиш суръати, фоизда	тонна	ўсиш суръати, фоизда	тонна	ўсиш суръати, фоизда

Сабзавотлар-жами	984,4	101,2	26,0	104,0	577,9	100,3	380,5	102,3
------------------	-------	-------	------	-------	-------	-------	-------	-------

Сабзавотлар (минг тонна)



**Чорвачилик.** Келгусида чорвачилик соҳасининг имкониятларини оширишга қаратилган чора-тадбирларнинг изчиллик билан амалга оширилиши ҳамда давлат томонидан кўрсатилаётган тизимли қўллаб-қувватлашлар натижасида қорамоллар бош сонининг ўсишига, ички истеъмол бозорларининг чорвачилик маҳсулотлари билан тўйинишига имкон яратди.

2021 йилнинг январь-мартида чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 1 928,1 млрд. сўмни ёки (2020 йилнинг мос даврига нисбатан 101,1 фоизни) ташкил қилди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида чорвачилик маҳсулотларининг улуши 93,6 фозни ташкил этди.

2021 йилнинг 1 апрель ҳолатига йирик шоҳли қорамоллар бош сони 895,5 минг бошга (101,1 %), шу жумладан сигирлар 252,1 минг бошга (101,4 %), қўй ва эчкилар 2 178,5 минг бошга (102,3 %), отлар 29,3 минг бошга (107,4 фоизга) паррандалар 3 602,3 минг бошга (104,3 %) кўпайди.

### 2021 йил 1 апрель ҳолатига хўжалик тойфалари бўйича чорва моллари ва паррандалар бош сони

	Барча тоифадаги хўжаликлар		Шу жумладан:					
			Фермер хўжаликлари		Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари		Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	
	минг бош	ўсиш суръати, фоизда	минг бош	ўсиш суръати, фоизда	минг бош	ўсиш суръати, фоизда	минг бош	ўсиш суръати, фоизда
Йирик шохли қорамоллар	895,5	101,1	45,2	112,7	831,5	100,0	18,8	132,4
Сигирлар	252,1	101,4	11,8	106,3	234,8	100,2	5,5	171,9
Қўй ва эчкилар	2 178,5	102,3	397,7	115,4	1 564,0	98,8	216,8	108,1
Отлар	29,3	107,4	6,2	135,2	18,6	95,0	4,5	144,4
Паррандалар	3 602,3	104,3	272,0	93,5	1 992,2	100,1	1 338,1	114,2


Умумий бош сонга нисбатан деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларида йирик шохли қорамолларнинг улуши 92,9 фоизни, фермер хўжаликларида 5,0 фоизни ташкил этди, сигирлар мос равишда 93,2 ва 4,7 фоизни, қўйлар ва эчкилар 71,8 ва 18,3 фоизни, паррандалар 55,3 ва 7,6 фоизни ташкил қилди.

## 2021 йил 1 апрель ҳолатига ҳудудлар кесимида чорва моллари ва паррандалар бош сони

### Йирик шоҳли қорамоллар (минг бош)



### шу жумладан: сигирлар (минг бош)




### Қўйлар ва эчкилар (минг бош)



### Паррандалар (минг бош)



### Отлар (минг бош)



2021 йилнинг январь-март ойларида барча тоифадаги хўжаликларда тирик вазнда 34 664,0 тонна гўшт (2020 йилнинг январь-март ойига нисбатан 101,1 фоизга кўп), 114 797,0 тонна суг (101,2 %), 50 654 минг. дона тухум (101,0 %), 454,0 дона қорақўл тери (100,9 %) ишлаб чиқарилди.

**2021 йилнинг январь-мартда хўжалик тоифалари бўйича  
асосий турдаги чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш**

	Барча тоифадаги хўжаликлар		Шу жумладан:					
			Фермер хўжаликлари		Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари		Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкilotлар	
	тонна	ўсиши суръати, фоизда	тонна	ўсиши суръати, фоизда	тонна	ўсиши суръати, фоизда	тонна	ўсиши суръати, фоизда
Гўшт, тирик вазнда, тонна	34 664,0	101,1	265,0	101,1	34214,0	101,1	185,0	98,4
Сут, минг	114 797,0	101,2	1 902,0	100,3	112641,0	101,3	254,0	72,8
Тухум, минг. Дона	50 654,0	101,0	1 949,0	95,3	31370,0	101,5	17335,0	100,8
Қоракўл тери, дона	454,0	100,9	145,0	100,0	0,0	0,0	309,0	101,3
Овланган балиқ	2 536,3	100,2	270,1	97,5	405,0	97,8	1 861,2	101,1

**2021 йилнинг январь-мартда ҳудудлар кесимида асосий турдаги чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш**

**Гўшт (тонна)**



**Сут (тонна)**



**Тухум (минг дона)**



**Овланган балиқ (тонна)**

